

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Тадбиркорликни ривожлантириш
компанияси” АЖ
Кузатув кенгашининг
2024 йил “2” октябрдаги
9/24 - сон йиғилиш баёнига
3 - илова

**“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти
томонидан қарз молиявий ёрдамини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

“КИРИТИЛДИ”
“Тадбиркорликни ривожлантириш
компанияси” акциядорлик жамияти
Ижроия органи

Тошкент 2024 йил

МУНДАРИЖА

1 - боб. Умумий қоидалар

2 - боб. Лойиҳа ташаббускорининг мақбуллиги

3 - боб. Лойиҳанинг мақбуллиги

4 - боб. Танлов ўтказиш ва баҳолаш тартиби

5 - боб. Қарз молиявий ёрдани тақдим этиш шартлари ва тартиби

6 - боб. Қарз молиявий ёрданидан мақсадли фойдаланиш бўйича мониторинг ўтказиш тартиби

7 - боб. Яқуний қоидалар

1 - боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу ““Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти томонидан қарз молиявий ёрдами тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом” (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 ноябрдаги ПФ-193-сон Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Компания) томонидан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига қарз молиявий ёрдами тақдим этиш жараёнини тартибга солади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 15 ноябрдаги ПҚ-366-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида кичик тадбиркорликнинг ўрта тадбиркорлик тоифасига ўтишига олиб келадиган тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларида тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштиришга бўлган эҳтиёжни эътиборга олиб Компания томонидан мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш учун қарз молиявий ёрдамлари кўрсатилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

лойиҳа ташаббускори – ўз тадбиркорлик лойиҳасини молиялаштиришга қарз молиявий ёрдами олиш учун мурожаат этган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъекти;

қарз молиявий ёрдами – бир тараф (Компания) иккинчи тараф (Лойиҳа ташаббускори)нинг топшириғига биноан белгиланган мақсадлар ва муддатларда фойдаланиш учун назарда тутилган харидларни амалга оширишга зарур бўладиган маблағларни йиллик фоиз устамаси билан Компанияга қайтариш графигига мувофиқ тўлаш орқали қайтариш шarti билан мақбул Лойиҳа ташаббускорининг талаб қилиб олингунча ҳисобварағига ўтказиб беришни назарда тутадиган муносабатларининг алоҳида тури;

лойиҳа – қарз молиявий ёрдамидан фойдаланиш учун Лойиҳа ташаббускори томонидан Компанияга тақдим этилган бизнес лойиҳа;

мақсадли лойиҳа йўналиши – тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан олиб бориладиган сиёсат ҳамда стратегиясидан келиб чиқиб қарз молиявий ёрдамлари тақдим этиладиган ҳудуд, соҳа ва йўналишлар;

қарз молиявий ёрдами шартлари – қарз молиявий ёрдамидан фойдаланиш учун аризалар қабул қилиниш муддатлари, қарз молиявий ёрдами маблағи тақдим

этиладиган мақсадли лойиҳа йўналишлари, қарз молиявий ёрдамнинг қайтарилиш муддатлари ва фоизи, Лойиҳа ташаббускорлари мақбуллиги ва бошқа мақбуллик мезонлари жамламаси;

очик танлов – Компания томонидан қарз молиявий ёрдамни тақдим этиш юзасидан эълон қилинадиган мезонлар бўйича мақбул Лойиҳа ташаббускорини Компаниянинг ваколатли органи томонидан танлаш жараёни;

анкета-ариза – танловда иштирок этиш учун Компанияга мурожаат қилганда расмийлаштириладиган ҳужжат. Компания томонидан қарз молиявий ёрдамни тақдим этилиши тўғрисидаги эълон билан анкета-ариза намунаси, лойиҳа паспорти намунаси ва анкета-аризадаги маълумотларни тасдиқлаш учун илова қилинадиган қўшимча ҳужжатлар рўйхатлари келтирилади;

Компаниянинг ваколатли органи – лойиҳаларни танлаб олиш ҳамда уларни молиялаштириш масаласида қарор қабул қилувчи Компаниянинг масъул коллегиал органи (тегишли буйруқ асосида тайинланади);

қарз таъминоти – қарз молиявий ёрдами бўйича тақдим этиладиган таъминот турлари. Таъминот турлари, уларни қабул қилиш ва расмийлаштириш ““Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ тизимида молиявий қўллаб-қувватлаш инструментлари бўйича таъминотни танлаш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом” асосида амалга оширилади.

мақсадли қарз шартномаси – қарз молиявий ёрдамни тақдим этиш бўйича томонлар мажбуриятлари ва ҳуқуқлари, эришиладиган лойиҳа кўрсаткичлари, Лойиҳа ташаббускорининг харидлар режаси, қарз молиявий ёрдамнинг муддатлари, фоизлари, тўловлари ва уларни амалга ошириш шартлари, таъминоти ва бошқа шартлар, мажбуриятларни ўз ичига олган Компания ва Лойиҳа ташаббускори ўртасида имзоланади.

тизим – қарз молиявий ёрдамни кўрсатилишининг барча босқичларида Компания ва Лойиҳа ташаббускорлари билан ҳужжатлар алмашинуви амалга ошириладиган Компаниянинг “Тадбиркор” ахборот тизими ва/ёки электрон почта.

4. Қарз молиявий ёрдами миқдорлари:

фаолиятига **2 йил** бўлган, йиллик даромади **6 млрд сўмдан** юқори бўлган ва мурожаат санасида камида **15 та иш ўрни** мавжуд бўлган **кичик тадбиркорлик субъектларига 5 млрд сўмгача**;

фаолиятига **2 йил** бўлган, мурожаат санасида камида **25 та иш ўрни** мавжуд бўлган **ўрта тадбиркорлик субъектларига 5 млрд сўмгача**;

фаолиятига **2 йил** бўлган, мурожаат санасида камида **35 та иш ўрни** мавжуд бўлган **ўрта тадбиркорлик** субъектларига **10 млрд сўмгача**;

фаолиятига **2 йил** бўлган, мурожаат санасида камида **50 та иш ўрни** мавжуд бўлган ҳамда **йиллик даромади 50 млрд сўмдан юқори** бўлган **ўрта тадбиркорлик** субъектларига **20 млрд сўмгача** тақдим этилади.

5. Компания бизнес-режасига асосан ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларидан келиб чиқиб, қарз молиявий ёрдами тақдим этиш бўйича қарор қабул қилиб боради.

6. Қарз молиявий ёрдами тақдим этиш ва ишларни мувофиқлаштириб бориш Лойиҳаларни бошқариш маркази (кейинги ўринларда - Марказ) томонидан амалга оширилади.

7. Қарз молиявий ёрдами амалга оширишнинг асосий босқичлари мазкур низомнинг 1 - иловасида келтирилган тартибда амалга оширилади.

2 - боб. Лойиҳа ташаббускорининг мақбуллиги

8. Лойиҳа ташаббускорларига қарз молиявий ёрдами тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик, қайтаришлик ва мақсадга мувофиқ фойдаланишлик тамойиллари асосида амалга оширилади.

9. Мазкур Низомнинг 2 - иловасидаги талабларга жавоб берган Лойиҳа ташаббускорларнинг қарзга лаёқатлилиги Низомнинг 3 - иловасига мувофиқ белгиланади.

Қарзга лаёқатлилик даражаси учинчи синф ва ундан паст ҳамда ноликвид балансга эга бўлган Лойиҳа ташаббускорларига қарз молиявий ёрдами тақдим этилмайди.

10. Компания томонидан устав капиталига улуш киритилган тадбиркорлик субъектларига мазкур қарздорликлар сўндирилгунга қадар қарз молиявий ёрдами тақдим этилмайди.

Шунингдек, Компаниянинг амалдаги қарз молиявий ёрдами мавжуд бўлган тадбиркорлик субъектларига мазкур қарздорликлар сўндирилгунга қадар устав капиталига улуш киритиш ёрдами кўрсатилмайди.

11. Лойиҳа ташаббускорининг мурожаат санасида амалдаги қарз молиявий ёрдами бўйича қарздорлик қолдиғи мавжуд бўлиб, тўлов интизомига тўлиқ риоя этаётган ва муддати ўтган қарздорликлари бўлмаган тақдирда, Лойиҳа ташаббускори қарз молиявий ёрданидан ушбу низомнинг 4 - бандида белгиланган миқдорлар доирасида бир неча марта фойдаланиши мумкин.

3 - боб. Лойиҳанинг мақбуллиги

12. Лойиҳа йўналиши қарз молиявий ёрдами тўғрисида Компания томонидан берилган эълонда келтирилган мақсадли лойиҳа йўналишига мос келиши лозим.

13. Лойиҳа ташаббускорининг лойиҳадаги улуши 30 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Лойиҳа ташаббускорнинг лойиҳадаги улуши сифатида лойиҳада бевосита иштирок этувчи Лойиҳа ташаббускорининг барча моддий активлари қатнашиши (ҳисобланиши) мумкин.

14. Қарз молиявий ёрдамидан максимал фойдаланиш муддати 7 йилдан ошмаслиги лозим.

Қарз молиявий ёрдамидан айланма маблағларни тўлдириш мақсадида фойдаланган тақдирда, максимал фойдаланиш муддати 18 ойдан ошмаслиги лозим.

Шунингдек, фаолияти тури ва хусусиятидан келиб чиққан ҳолда 36 ойдан ошмаган муддатга ҳар 12 ойда қарздорликни (ёки траншни) тўлиқ ёпиш шарти билан молиялаштириш линияси очиш орқали (револьвер) қарз молиявий ёрдами тақдим қилиниши мумкин.

Айланма маблағларни тўлдириш учун ажратиладиган қарз молиявий ёрдамнинг максимал миқдори мазкур низомнинг 4 - бандида белгиланган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

15. Асосий қарз бўйича имтиёзли давр лойиҳа тавсифидан келиб чиқиб, мақсадли қарз шартномасида белгиланади.

16. Қарз молиявий ёрдами ушбу Низомнинг 4 – иловасидаги тадбиркорлик фаолияти йўналишлари бўйича тақдим этилмайди.

4 - боб. Танлов ўтказиш ва баҳолаш тартиби

17. Қарз молиявий ёрдами тақдим этилиши бўйича очиқ танлов ўтказиш тўғрисида ҳамда танловда танлаб олинган лойиҳалар ҳақида Компаниянинг расмий веб сайти ва ижтимоий тармоқлари орқали эълон қилинади.

18. Лойиҳа ташаббускорлари эълон қилинган танлов бўйича белгиланган муддатларда анкета-ариза ҳамда унда келтирилган маълумотларни тасдиқловчи илова қилинадиган ҳужжатларнинг электрон нусхаларини тизим орқали Компанияга киритади.

19. Ҳужжатларнинг тўлиқлиги, тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун Лойиҳа ташаббускори ва/ёки уни имзолаган шахс жавоб беради.

20. Анкета-ариза билан биргаликда тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган ҳолларда Компания ушбу ҳужжатларни тақдим этиш ёки

ҳужжатлардаги камчиликларни бартараф этиш тўғрисида Лойиҳа ташаббускорига маълум қилади. Лойиҳа ташаббускори томонидан зарурий ҳужжатлар тўплами тўлиқ тақдим қилинмаган тақдирда, Компания аввал тақдим этилган ҳужжатларни Лойиҳа ташаббускорига қайтариши лозим.

21. Компания Лойиҳа ташаббускорининг лойиҳаси доирасида баҳолаш учун зарур бўладиган қўшимча тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишни сўраши мумкин.

22. Киритилган анкета маълумотларига асосланган ҳолда ушбу Низомнинг 2- ва 3 - бобидаги мезонларга мувофиқ Лойиҳа ташаббускори ҳамда лойиҳанинг мақбуллиги дастлабки баҳолаш таҳлилидан ўтказилади.

23. Дастлабки баҳолашдан муваффақиятли ўтган анкеталар бўйича Компаниянинг ҳудудий вакили, у бўлмаган ҳолларда Марказ ходими томонидан лойиҳа жойига чиқиб дастлабки ўрганишдан ўтказилади. Бунда қуйидагилар ўрганилади:

лойиҳанинг белгиланган ҳудудда амалга оширилишининг мақсадга мувофиқлиги;

керакли инфратузилманинг мавжудлиги;

лойиҳани амалга ошириш учун ўзининг улуш манбалари мавжудлиги (шаклланганлиги);

лойиҳанинг келажакдаги истиқболи;

лойиҳанинг атроф-муҳит ва ижтимоий таъсири салбий бўлмаслиги;

қарз таъминоти ва бошқалар.

24. Ўрганиш натижаси бўйича ҳудудий вакил, у бўлмаган ҳолларда Марказ ходими ҳар бир лойиҳа бўйича ўз хулосасини тақдим этади.

25. Қарз молиявий ёрдами ажратилиши режалаштирилаётган лойиҳалар таҳлил якуни бўйича лойиҳани амалга ошириш жараёнида яратиладиган иш ўринлари ҳамда лойиҳанинг самарадорлиги (рентабеллиги)дан келиб чиқиб камайиб бориш тартибида саралаб олинади ва ҳудудга ажратилган лимит доирасида тақдим этилади.

26. Яшил ва энергия тежовчи технологияларни жорий этувчи лойиҳаларга устуворлик берилади.

27. Тақдим қилинган ҳужжатлар таҳлили натижаси бўйича, Марказ томонидан тегишли хулоса расмийлаштирилади ва Компаниянинг ваколатли органи муҳокамасига киритилади.

28. Компаниянинг ваколатли органи ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилгандан сўнг тегишли қарор қабул қилиши ва бу ҳақида Лойиҳа ташаббускори 30 кундан ошмаган муддатда хабардор қилинади.

5 - боб. Қарз молиявий ёрдами тақдим этиш шартлари ва тартиби

29. Компаниянинг ваколатли органи томонидан Лойиҳа ташаббускорининг лойиҳаси бўйича ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, Лойиҳа ташаббускорига мақсадли қарз шартномаси имзолаш учун тақдим этилади.

30. Қарз молиявий ёрдами фоиз ставкаси Компаниянинг Актив ва пасивларни бошқариш кўмитаси қарорига асосан белгиланади, бироқ бунда қарз молиявий ёрдами фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкадан кам бўлмаслиги лозим.

31. Қарз молиявий ёрдами ажратилиши учун қарз молиявий ёрдами миқдорининг камида 125% миқдориди таъминот талаб этилади. Таъминотни қабул қилиш ва расмийлаштириш ““Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ тизимида молиявий кўллаб-қувватлаш инструментлари бўйича таъминотни танлаш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом” асосида амалга оширилади.

32. Компания ва Лойиҳа ташаббускори ўртасида мақсадли қарз шартномаси имзолангандан сўнг, Компания томонидан қарз маблағлари бўйича тўловлар шартномага илова қилинган лойиҳа бўйича харид шартномасида кўзда тутилган шаклда ва муддатларда тегишли харидларни амалга ошириш учун Лойиҳа ташаббускорининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ўтказиб берилади.

33. Компания томонидан тақдим этилган қарз молиявий ёрдами маблағларидан мақсадли фойдаланилиши Компания томонидан ўрганиб борилади. Маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда етказилган зарар ҳамда бой берилган фойдани ундириш тарафлар ўртасида имзоланган мақсадли қарз шартномасига асосан амалга оширилади.

34. Компаниянинг қарз молиявий ёрдами портфелида муаммоли қарзлар миқдори 4 фоиздан ошганда, қарз молиявий ёрдами ажратиш вақтинчалик тўхтатилади ёки унинг шартлари қайта кўриб чиқилади.

6 - боб. Қарз молиявий ёрдамидан мақсадли фойдаланиш бўйича мониторинг ўтказиш тартиби

35. Лойиҳа ташаббускори ҳисоб рақамига пул маблағлари тушгандан сўнг, олди-сотди (хизмат кўрсатиш) шартнома шартларига мувофиқ қарз маблағларининг мақсадли ишлатилганлиги ҳақида хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган тўлов топшириқномалари ҳамда - товарлар, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаларини Компанияга тақдим этиши керак.

36. Маблағ ажратилгандан сўнг лойиҳани мақсадлилигини ўрганиш жараёни Компаниянинг ҳудудий вакиллари, улар бўлмаган ҳолларда Мониторинг бўлими ходимлари томонидан амалга оширилади.

37. Лойиҳа ва таъминот мониторинги мониторинг жадвалига мувофиқ Компаниянинг ҳудудий вакиллари, улар бўлмаган ҳолларда Мониторинг бўлими ходимлари томонидан жойларга чиқиб амалга оширилади.

38. Компания қуйидаги ҳолларда қарз молиявий ёрдами тақдим этиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш ва мавжуд қарздорликни муддатидан олдин сўндириш чораларини кўриш ҳуқуқига эга. Агар Лойиҳа ташаббускори:

лойиҳани ТИА (Бизнес-режа)га асосан амалга оширмаса,
қарз молиявий ёрдами тақдим этиш мақсадли қарз шартномаси шартларини бузса;

таъминот ҳолати жиддий равишда ёмонлашса;

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

7 - боб. Яқуний қоидалар

39. Компания таваккалчилик асосида қарз молиявий ёрдами тақдим этади, лойиҳани амалга ошмаслиги ва унинг оқибатларига Компания ходимлари жавобгар ҳисобланмайди.

40. Мазкур Низомда кўзда тутилмаган бошқа нормалар Компаниянинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

41. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

42. Мазкур Низомни амалга оширишда юзага келадиган низолар қонунчиликка мувофиқ суд тартибида кўриб чиқилади.

“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти томонидан қарз молиявий ёрдамини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга
1 - илова

ҚАРЗ МОЛИЯВИЙ ЁРДАМИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ СХЕМАСИ

Босқичлар	Амалга ошириладиган ишлар	Масъуллар
1-босқич	Тасдиқлаб берилган йўналишлар доирасида танлов эълон қилиш. Бунда, танлов ўтказиш даври ва шартлари Компаниянинг расмий веб сайти ва ижтимоий тармоқлар орқали эълон қилинади.	Компания Ижроия органи, Марказ, Ахборот хизмати бўлими
2-босқич	Тизим орқали анкета маълумотномасини тақдим этади.	Лойиҳа ташаббускорлари
3-босқич	Анкета маълумотлари скорингдан ўтказилади ва муваффақиятли ўтган лойиҳалар ҳудудий вакил, у бўлмаган ҳолларда Марказ ходими томонидан жойига чиқиб ўрганилади ҳамда хулоса тақдим этилади.	Ҳудудий вакил
4-босқич	Келиб тушган лойиҳалар дастлабки ҳужжатлар асосида танлаб олинади.	Компаниянинг ваколатли органи
5-босқич	Дастлабки танлаб олинган лойиҳалар бўйича музокаралар ўтказилади.	Лойиҳа ташаббускори, Марказ

Босқичлар	Амалга ошириладиган ишлар	Масъуллар
6-босқич	Лойиҳа ҳужжатлари асосида Лойиҳа ташаббускорининг тўловга лаёқатлилиги ҳамда лойиҳанинг самарадорлиги ва қарз молиявий ёрдамнинг белгиланган мезонларига мос келиши бўйича хулоса тайёрланади.	Марказ
7-босқич	Ижобий қарор қабул қилинганда Лойиҳа ташаббускори билан Компания ўртасида мақсадли қарз шартномаси тузилади (<i>Танловда танлаб олинган лойиҳалар расмий веб сайт ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинади</i>).	Компаниянинг ваколатли органи, Ахборот хизмати бўлими
8-босқич	Лойиҳа ташаббускори билан имзоланган мақсадли қарз шартномасига илова қилинган харидлар режасига мувофиқ маблағлар ўтказиб берилади.	Компаниянинг тегишли таркибий тузилмалари
9-босқич	Мақсадли қарз шартномасида белгиланган мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажариб (лойиҳада белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш) бориш	Лойиҳа ташаббускори
10-босқич	Тўлов интизомини назорат қилиш ҳамда мониторинг ишларини амалга ошириб бориш.	Худудий вакиллар/Мониторинг бўлими

“Тадбиркорликни ривожлантириш
компанияси” акциядорлик жамияти
томонидан қарз молиявий ёрдамини тақдим
этиш тартиби тўғрисидаги низомга
2 - илова

ЛОЙИҲА ТАШАББУСКОРЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ ВА КРЕДИТ ТАРИХИ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН МЕЗОНЛАР

Лойиҳа ташаббускорининг мурожаат санасида:

1. Молиявий ҳолати бўйича:

- a) тугатиш жараёнида бўлмаслиги;
- b) банкротлик иши қўзғатилмаган бўлиши;
- c) охириги 2 йилда зарар билан фаолият юритмаётган бўлиши;
- d) 2-сон картотека ва бюджет олдида муддати ўтган қарздорликлари мавжуд бўлмаслиги;
- e) кредит ва унга тенглаштирилган операциялар (кейинги ўринларда - кредит) бўйича муддати ўтган қарздорликлари мавжуд бўлмаслиги лозим.

2. Кредит тарихи бўйича:

- a) кредит тарихи “Кредит-ахборот таҳлилий маркази” кредит бюроси маълумотномаси бўйича С (ўрта) ва ундан юқори рейтингга эга бўлиши;
- b) охириги 2 йилда суд жараёнига ўтган кредит қарздорликлари вужудга келмаган бўлиши;
- c) ҳисобдан чиқарилган кредит қарздорликлари мавжуд бўлмаслиги;
- d) охириги 2 йилда муддати ўтган кредит қарздорликлари 30 кундан 60 кунгача 3 ёки ундан ортиқ марта кечиктириб тўланмаган бўлиши;
- e) охириги 2 йилда муддати ўтган кредит қарздорликлари 60 кундан 90 кунгача 2 ёки ундан ортиқ марта кечиктириб тўланмаган бўлиши;
- f) охириги 2 йилда муддати ўтган қарздорликлари 90 кундан ошган бўлмаслиги лозим.

“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти томонидан қарз молиявий ёрдамини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга
3 - илова

ЛОЙИҲА ТАШАББУСКОРЛАРИНИНГ ҚАРЗГА ЛАЁҚАТЛИЛИК ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ УСЛУБИ

Лойиҳа ташаббускорларининг қарзга лаёқатлилик даражасини аниқлаш услуги

Қарзга лаёқатлилик – Лойиҳа ташаббускорининг қарз молиявий ёрдамини ўз вақтида ва тўлиқ қайтаришга қодирлигидир.

Лойиҳа ташаббускорларининг қарзга лаёқатлилиги бир қанча кўрсаткичлар билан тавсифланади. Кўрсаткичлар сони чекланмайди, Лойиҳа ташаббускори фаолияти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгиланади.

Мазкур методикада қарзга лаёқатлиликнинг зарур мажбурий кўрсаткичлари кўриб чиқилади: қоплаш ва ликвидлик коэффициентлари, ўз маблағлари билан таъминланганлик (автономия коэффициенти), ўз айланма маблағлари мавжудлиги динамикаси.

Шунингдек қўшимча кўрсаткичларни ҳам ҳисоблаш тавсия этилади: айланма маблағларнинг айланиши, рентабеллик ва бошқалар.

Қарзга лаёқатлиликни баҳолаш Лойиҳа ташаббускорининг баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини таҳлили қилиш асосида амалга оширилади. Бундан ташқари, зарур ҳолларда қарзга лаёқатлиликни баҳолашда давлат статистика органларининг маълумотлари ва бошқа таҳлилий материаллардан фойдаланилади.

Қарзга лаёқатлиликнинг асосий кўрсаткичлари қуйидаги коэффициентлар ҳисобланади:

1) Қоплаш коэффициенти

бу ерда:

ҚК – қоплаш коэффициенти

ЛМ – қисқа муддатли ликвид маблағлар

ҚММ - қисқа муддатли мажбуриятлар.

$$ҚК = \frac{ЛМ}{ҚММ}$$

Қисқа муддатли ликвид маблағларга (ЛМ) қуйидагилар киради:

Пул маблағлари (ПМ):

- 330-қатор – Кассадаги пул маблағлари;
- 340-қатор – Ҳисобварағидаги пул маблағлари;
- 350-қатор – Хорижий валютадаги пул маблағлари;
- 360-қатор – Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлар

Тез сотиладиган талаблар (ТСТ):

- 220-қатор – Сотиб олувчилар ва буюртмачиларнинг қарздорлиги (муддати ўтган дебиторлик қарздорлиги айирилган ҳолда);
- 240-қатор – Шуъба ва тобе хўжалик жамиятларининг қарздорлиги;
- 250-қатор – Ходимларга берилган аванслар;
- 260-қатор – Етказиб берувчилар ва пудратчиларга аванслар (3 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга);
- 270-қатор – Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича аванс тўловлари;
- 280-қатор – Давлат мақсадли фондларига ва суғурта бўйича аванс тўловлари;
- 300-қатор – Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарздорлиги;
- 310-қатор – Бошқа (қайтарилган бўйича реал) дебиторлик қарздорлиги
- 370-қатор – Қисқа муддатли инвестициялар (қайтариш муддати фақат 3 ойгача бўлган қўйилмалар ҳисобга олинади).

Тез сотиладиган захиралар (ТСЗ):

- 150-қатор – Ишлаб чиқариш захиралари;
- 170-қатор – Тайёр маҳсулот;
- 180-қатор – Товарлар.

ҚММ – Қисқа муддатли мажбуриятлар

Қисқа муддатли мажбуриятларга қуйидагилар киреди:

- 610-қатор – Сотиб олувчилар ва буюртмачилар олдидаги қарздорлик;
- 630-қатор – Шуъба ва тобе хўжалик жамиятлари олдидаги қарздорлик;
- 640-қатор – Кечиктирилган даромадлар;
- 650-қатор – Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар;
- 660-қатор – Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар;
- 670-қатор – Олинган аванслар;
- 680-қатор – Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик;
- 690-қатор – Суғурта бўйича қарздорлик;
- 700-қатор – Давлат мақсадли фондларига тўловлар бўйича қарздорлик;
- 710-қатор – Таъсисчилар олдидаги қарздорлик;
- 720-қатор – Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарздорлик;
- 730-қатор – Қисқа муддатли банк кредитлари;
- 740-қатор – Қисқа муддатли қарзлар;
- 750-қатор – Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми;
- 760-қатор – Бошқа кредиторлик қарздорлиги.

Юқорида баён қилинганларни ҳисобга олган ҳолда:

$$\text{ҚК} = \frac{\text{Пул маблағлари} + \text{Тез сотиладиган талаблар (муддати ўтган дебиторлик қарздорлиги айирилган ҳолда, 211-қатор)} + \text{Тез сотиладиган захиралар}}{\text{Қисқа муддатли мажбуриятлар}}$$

бу ерда:

Пул маблағлари – қаторлар 330+340+350+360

Тез сотиладиган талаблар – қаторлар (220 +240 +250 +260 +270 +280 +300+ +310)-211

Тез сотиладиган захиралар – қаторлар 150+170+180

Қисқа муддатли мажбуриятлар – қаторлар 610 +630+ 640 +650 +660 +670 +680+ +690 +700 +710 +720 +730 +740 +750 +760

Агар қисқа муддатли ликвид маблағлар (ЛМ) қисқа муддатли мажбуриятлардан (ҚММ) камида икки баробар ортиқ бўлса (яъни $\text{КП} \geq 2$), Лойиҳа ташаббускорининг молиявий аҳволини яхши деб ҳисоблаш мумкин. Бу энг юқори мезон чегараси. Қуйи чегара сифатида эса Лойиҳа ташаббускорининг қисқа муддатли ликвид маблағларга (ЛМ) тенг миқдордаги қисқа муддатли мажбуриятларга (ҚММ) эга бўлган ҳолат олинади (яъни $\text{КП}=1$).

Шу билан бирга, Лойиҳа ташаббускорларининг ишлаб чиқариш характери, активлар тузилмаси каби омиллари, қоплаш кўрсаткичи билан тавсифланадиган корхона балансининг ҳақиқий ликвидлик ҳолатини биров бузиб кўрсатиши мумкин.

2) Ликвидлик коэффициенти

Турли омилларнинг таъсирини камайтириш учун Лойиҳа ташаббускорлари балансининг **ликвидлик кўрсаткичи** ҳисоблаб чиқилади. Ушбу кўрсаткич пул маблағлари ва тез сотиладиган талаблар суммасининг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати сифатида аниқланади, яъни товар-моддий бойликлар захиралари инобатга олинмайди ва фақат реал ликвид активлар ҳисобланади. У қуйидагича ҳисобланади:

бу ерда:

ЛК – ликвидлик коэффициенти

ПМ – пул маблағлари

ТСТ – тез сотиладиган талаблар

ҚММ - қисқа муддатли мажбуриятлар.

$$\text{ЛК} = \frac{\text{ПМ} + \text{ТСТ}}{\text{ҚММ}}$$

Ликвидлик коэффициенти жорий мажбуриятларнинг қайси қисми нафақат нақд пуллар, балки жўнатилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун кутилаётган тушумлар ҳисобидан қопланиши мумкинлигини кўрсатади.

3) Автономия коэффиценти

Лойиҳа ташаббускорининг ўз маблағ манбалари билан таъминланганлиги (ёки автономия коэффиценти (АК)) корхона баланси пассивида ўз манбалари улушини ҳисоблаб чиқариш йўли билан баҳоланади ва корхонанинг қарз маблағларига қарам эмаслигини, яъни ундан мустақил эканлигини акс эттиради.

Ўз маблағ манбалари билан таъминлаганлик коэффиценти куйидаги формула бўйича аниқланади:

$$AK = \frac{\text{ЎМ (ўз маблағ манбалари)}}{\text{БВ (баланс валютаси)}}$$

бу ерда:

АК – автономия коэффиценти

ЎМ = 480-қат. (Пассивнинг биринчи бўлими жами, “Ўз маблағ манбалари”) минус 290-қат. (Таъсисчиларнинг устав сармояси бўйича қарздорлиги)

БВ = 780-қат. (Жами пассив) минус 022-қат. (Номоддий активларнинг қолдиқ қиймати)

Корхонанинг ўз маблағ манбалари билан таъминланганлик коэффиценти 30 фоиздан кам бўлиши мумкин эмас. Айланма маблағларнинг айланиши юқори бўлган ҳолда ва корхонанинг фаолият хусусиятига боғлиқ ҳолда ушбу кўрсаткичнинг рухсат этилган даражаси бироз кичик бўлиши мумкин.

Агар ушбу коэффициент 0,6 яъни 60 фоиздан юқори бўлса, қарз хатари минимумга келтирилган деб ҳисобланади.

4) Ўз айланма маблағлари мавжудлиги кўрсаткичи:

$$\text{ЎАММ} = \text{ЎММ} - \text{АВ},$$

бу ерда:

ЎАММ – ўз айланма маблағлари мавжудлиги

ЎММ – ўз маблағ манбалари = ЎМ – 290-қат (Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи) + 490-қат (Узоқ муддатли мажбуриятлар)

АВ – узоқ муддатли активлар (130-қат.)

Агар, Лойиҳа ташаббускорининг асосий воситалари ва айланмадан ташқари активлари (баланс активининг 1 бўлими жами) ўз маблағ манбаларидан ортиқ бўлган ҳолда, ноликвид баланс ҳосил бўлади.

Қарзга лаёқатлилиқнинг қўшимча кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

- ўз айланма маблағлари мавжудлиги динамикаси;
- фойдалилик;
- амалга оширилмаган тўловлар;
- айланма маблағларнинг айланиши.

1-жадвал

Қарзга лаёқатлилиқ асосий кўрсаткичларининг синфлар бўйича талаблари

т/р	Номи	I синф	II синф	III синф
	Қоплаш коэффициенти (ҚК)	$ҚК \geq 2,0$	$2 > ҚК \geq 1,0$	$1 > ҚК > 0,5$
	Ликвидлик коэффициенти (ЛК)	$ЛК \geq 1,5$	$1,5 > ЛК \geq 1,0$	$1 > ЛК > 0,5$
	Автономия коэффициенти (АК)	$АК \geq 60\%$	$60\% > АК \geq 30\%$	$30\% > АК > 15\%$

Таҳлил ва коэффициентлар миқдорлари асосида Лойиҳа ташаббускорлари 3 та қарзга лаёқатлилиқ синфлари бўйича таснифланади ва у ёки бу синфга мансублигидан келиб чиқиб, Лойиҳа ташаббускори билан қарз муносабатлари тузилади.

Қарзга лаёқатлилиқ синфини аниқлашда учта коэффициентнинг ўртача йиғиндиси кўрсаткичи олинади.

“Тадбиркорликни ривожлантириш
компанияси” акциядорлик жамияти
томонидан қарз молиявий ёрдамини тақдим
этиш тартиби тўғрисидаги низомга
4 - илова

**Компания томонидан қарз молиявий ёрдами тақдим этилмайдиган
тадбиркорлик йўналишлари**

1. Қиморхона ва биллиардхоналар, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва (ёки) улар савдосини ташкил этиш учун талаб этиладиган бино ва ускуналар;

2. Улгуржи савдо, умумий овқатланиш ҳамда алоҳида ташкил этиладиган автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари бино ва ускуналари (бундан савдо ва сервис, йўл бўйи инфратузилма объектлари, жумладан комплекс таркибида автомобилларга ёнилғи қуйиш ҳамда савдо шохобчалари фаолиятини ташкил этиш, “яшил” технологияларни, жумладан электромобилларни қувватлантиришда фойдаланиладиган бино ва ускуналари мустасно);

3. Транспорт воситалари сотиб олиш (бундан юк ташиш хизмати фаолияти, қурилиш фаолияти учун махсус техникалар ҳамда туризм фаолияти автобус ва микроавтобуслар мустасно);

4. Қишлоқ хўжалиги йўналишида амалга ошириладиган лойиҳалар (бундан гўшт ва тухум йўналиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва қадоклашда фойдаланиладиган бино ва ускуналар мустасно).